

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Сенати  
Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси

Мирзо Улуғбек номидаги  
Ўзбекистон Миллий Университети

Республика “Миллий ғоя ва мағкура”  
илмий-амалий маркази



# “ФАЛСАФА ТАРИХИ ВА ЗАМОНАВИЙ ЖАМИЯТНИНГ МАЊНАВИЙ ТАРАҚҚИЁТИ”

МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ  
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ  
ФАЛСАФА ФАКУЛЬТЕТИНИНГ  
35 ЙИЛЛИГИГА БАФИШЛАНГАН

РЕСПУБЛИКА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ  
КОНФЕРЕНЦИЯСИ МАТЕРИАЛЛАРИ



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ МАЖЛИС СЕНАТИ ФАН, ТАЪЛИМ,  
МАДАНИЯТ ВА СПОРТ МАСАЛАЛАРИ ҚўМИТАСИ

**МИРЗО УЛУГБЕК НОМИДАГИ  
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

## ФАЛСАФА ФАКУЛЬТЕТИ

## **“ФАЛСАФА ТАРИХИ ВА МАНТИК” КАФЕДРАСИ**

# “ФАЛСАФА ТАРИХИ ВА ЗАМОНАВИЙ ЖАМИЯТНИНГ МАҶНАВИЙ ТАРАҚКИЁТИ”

# РЕСПУБЛИКА ИЛМИЙ – АМАЛИЙ КОНФЕРЕНЦИЯСИ МАТЕРИАЛЛАРИ

(2014 йил 6 май)

Ташкент-2014

ва тарихи йўқ қилинади. Сўнгра кимдандир янги китобларни ёзиши, янги маданият ва тарихни ўйлаб топишни илтимос қилсангиз, бас, халқ аста-секин ўзлигини ҳам, қандай пайдо бўлганини ҳам, кимларнинг авлоди эканлигини ҳам унутади кўяди”.

Ғарб мутахассисларининг ўз мамлакатларида содир бўлаётган жараёнлар ҳақидаги ана шундай фикр-мулоҳазалари асосида хуроса килиш мумкинки, глобаллашув жараёнини бошқариб, дунёга эгалик қилишга интилаётганлар ўзгалар учун тайёрлаган “ошни ўзлари айланаб ҳам, ўргилиб ҳам ичишга” мажбур бўлмоқда. Бу ҳолатлар ўта мураккаб бўлган глобаллашув жараёни ва у билан боғлиқ зиддиятларнинг яна бир томонига ишора киласди. АҚШ бошчилигидаги Ғарб мамлакатлари билан қолган дунё ўртасида янгидан юзага келган қарама-қаршиликни инкор этмаган ҳолда, Жан Бодрийярнинг куйидаги фикрида жон бор, дейиш мумкин: “Ҳеч қандай дин ёки “тамаддуналар тўқнашуви” амалда йўқ, шундай экан, Америка билан ислом ўртасидаги муносабатлардан кўра муҳимроқ бўлган ҳодисалар ҳақида гапирмоқ лозим. Юқоридаги масалага ургу берилсдан мақсад – юзага қалқиб чиқсан қарама-қаршиликнинг тўғрилиги борасида тасаввур ўйготиш ва куч ишлатиш учун ўзига йўл очишдир. Аслида, биз ўзига қарши курашаётган ғолибона глобаллашувнинг гувоҳи бўляпмиз... Бу эса дунёнинг ўзи бутун ер курраси глобаллашувга қаршилик кўрсатаётганлигини билдиради”.

Бу қаршилик инсониятнинг тарихий таракқиётини белгилайдиган мустаҳкам мантиций асосга таянади. Турли миллат ва ҳалқларнинг кенг маънодаги ижтимоий, маънавий, ахлоқий ва эстетик идеаллари, шак-шубҳасиз, мавжуд ва уларга суюнган ҳолда одамлар ҳаётини тартибга солиш ҳамма даврларда ҳам инсонпарвар жамиятнинг асосий белгиларидан бирини ташкил этган. Етакчиликни дайво қилаётган давлатлар беҳисоб даромад олиш пайида истеъмолчилик кайфиятига қаратилган тубан қадриятларни асл қадрият сифатида дунё ҳалқларига тақдим этаётган ҳозирги шароитда унга қаршилик кўрсатиш ҳамда миллий, маданий-маънавий илдизларни сақлашга интилиш ҳар қачонгидан кўра муҳим аҳамият касб этади.

Шу боис қачонки, одамзод дунёнинг ранг-баранглигига асосланган ана шу бирлик ва яхлитликни англаса, ўз ҳаётида миллийлик ва умуминсонийликни оқилона уйғулаштира олса, интеграциялашув жараёни янада ишончли ва самарали бўлади.

### **Глобаллашув шароитида жамиятни ахборотлаштириш жараёнининг ўзига хос ҳусусиятлари**

*Н.Я.Алимухамедова - ТИМИ ўқитувчиси*

Бугун дунёда глобаллашув, ахборот оқимиининг тезлашуви ва интенсивлашуви, универсал технологиялар билан боғлиқ умумбашарий жараёнлар жадаллашиб бормоқди. Сўнгти йиллар мобайнида интернет глобал тармокка айланаб улгурди. Бунинг натижасида дунёда нафакат ахборотлашган жамият юзага келди, балки жаҳон ҳамжамиятида глобаллашув жараёнлари тезлашиб кетди. Бундай шароитда мағкуравий воситалар орқали ўз таъсир доирасини

кенгайтиришга интилаётган сиёсий кучлар ва ҳаракатлар ҳам йўқ эмас. Тажовузкор миллиатчилик ва шовинизм, неофашизм ва фундаментализм, ирқчилик ва диний экстремизм мағкуралари шулар жумласидандир. Натижада дунёда инсон қалби ва онгини эгаллаш учун кураш тобора кучайиб бормоқда. Бу ҳол бутуғи кунда дунёнинг мағкуравий манзарасини белгилаб бермоқда.

Ахборот ва коммуникация технологияларининг ривожланиши ижобий кўрсаткичидар. Шундай бўлсада, бу тараққиётнинг салбий томонлари ҳам кам эмас. Ҳаммага маълумки, ҳозирда кўплаб хонадонларда интернетта уланган компютерлар мавжуд. Мехнат килган инсон ўзининг фаровон ҳаёти учун барча шароитларни яратгани яхшидир. Аммо ҳали ҳаётнинг оку корасини яхши билмаган, ҳаётий тажрибаси кам бўлган ёшларимиз учун интернет маънавий таҳдидларнинг манбасига айланаб улгурди. Интернет ёшларимизнинг келгуси камолотига зарап етказувчи кўпгина маънавий таҳдидларни вужудга келтириди.

Турли танишув саҳифалари ва ижтимоий тармокларда ўзбек халқининг маданияти, маънавияти ва маърифатига таҳдид соладиган беҳаёв порнографик мазмундаги материалларнинг кўпайиши натижасида ёшларимиз назарида оиласнинг муқаддас даргоҳ эканлиги унуттилоқда.

“Оммавий маданият” тарғиботчилари интернетнинг имкониятларидан фойдаланиб, ўзларининг гайриинсоний мақсадларига эришмоқда.

Муқаддас динимизни ниқоб килиб, ўзларининг гаразли мақсадларига эришиш йўлида интернетдан фойдаланаётган ноконуний оқимлар сонининг кўпайиб бориши натижасида ёшларимиз билиб-бilmay уларга кўшилиб қолмоқда. Бундай маънавий таҳдидларни яна кўплаб келтиришимиз мумкин. Бироқ ҳозирги даврда барча зиёли инсонларнинг асосий вазифаларидан бири ёшларимизни интернетнинг салбий таъсиrlаридан муҳофаза килиш хисобланади. Буният учун, энг аввало, ота-оналар фарзанд тарбиясининг қандай аҳамиятга эга эканлигини унгутмасликлари лозим. Бундан ташкари, ёшлар таълим олаётган ўрта мақтаблар, академик лицейлар ва қасб-хунар колледжлари ҳамда олий таълим даргоҳларининг ўқитувчилари нафакат ўзларининг фантиридан самарали таълам беришлари, балки ёшларнинг вактдан қандай фойдаланишларидан ҳам доимо хабардор бўлишлари керак. Зоро, ёшларимиз онгиди порлок истикболга қаратилган эзгу мақсадлар шаклланган бўлса ва уларга эришишни таъминловчи вазифалар мавжуд бўлса, бу колатда ёшларимиз кўплаб ижобий натижаларга эришадилар.

Хеч кимга сир эмаски, Алишер Навоий, Заҳирилдин Муҳаммад Бобур, Мирзо Улугбек, Абу Райхон Беруний, Абу Али ибн Сино, Имом ал-Бухорий ва бошқа кўшлаб буюк бобокалонларимиз яшаган даврларда факатгина шам ёруғлиги ва содда илмий воситалар ёрдамида юксак салоҳиятли асарлар яратилган. Биз ёшларимизни даврда бўлса барчамиз учун ахборот ва коммуникация технологияларининг энг сўнгти маҳсулотларидан фойдаланиш имконияти мавжуд. Шунингдек, мамлакатимида ёшларимизнинг баркамоллиги учун барча имкониятлар эшиги кенг очилган. Шундай экан, ёшларимизнинг интернетдан оқилона ва одоб билан фойдаланишлари давр талаби хисобланади. Ахир интернетдан оқилона ва одоб билан фойдалана оладиган ёшларимиз ўз вақтида меҳнат қиласи, мунтазам спорт билан шуғулланади, замонавий ахборот ва коммуникация технологияларидан самарали фойдаланади, хорижий тилларни

мукаммал ўрганади, ўз соҳаси бўйича рақобатбардош академик билимлар ва касбий кўнникмаларга эга бўлади. Ёшларимизнинг баркамоллиги мұқаддас Ватанимиз - Ўзбекистон Республикасининг келгуси ижтимоий-иқтисодий тараққёти учун муносиб асос ҳисобланади. Қолаверса, мұхтарам Президентимиз томонидан ёшларга билдирилган юксак ишонч ҳам тўлик оқланади.

Жамиятни ахборотлаштириш жараённинг ўзи, кўпинча соф технологик жараён сифатида баҳоланишига қарамай, мазмун-моҳиятига кўра чукур ижтимоий жараён ҳам ҳисобланади. Чунки ахборотлаштириш жамиятнинг бир шаклдан бошқа, ижтимоий тараққиётнинг янада юкорироқ даражасига эга бўлган шаклига ўтишни англатади ҳамда жамиятнинг истиқболдаги хусусиятларини белгилаб беради.

Ҳар қандай жараённинг яхши ва ёмон томонлари бўлганидек, жамиятни ахборотлаштиришининг ҳам ижобий ҳамда салбий жиҳатлари мавжуд. Хусусан, ахборотлаштириш ва истиқболли ахборот технологиялари ишлаб чиқариш самарадорлигини ҳамда меҳнат тежамкорлигини оширишни, илмий билимлар ва илғор технологиялар жамиятда жадал тарқалишини, жамият интеллектуаллашуви умумий даражасини оширишни таъминлаши каби ижобий томонлар билан бир қаторда ахборот макони учун кураш ва инсонга ахборот-психологик таъсир кўрсатишнинг авж олиши каби алоҳида хавфни ҳам юзага келтиради.

Бу борада "эркин ахборот алмашуви" назариясининг асосчиларидан бири ҳисобланган МРБ собиқ директори А.Ф.Даллеснинг 1946 йилда килган баёноти ёътиборга лойиқдир. "Агар менга, - деб ёзди А.Ф.Даллес, - ташки сиёсатнинг фақатгина битта тамойилини танлаб олиш хукуки берилганда, мен ахборотнинг эркин оқими" дейилганида чексиз миқдордаги ахборотни бир тарафлама узатиш, бунда ахборот мазмунинингхеч қандай меъёрлар билан чекланмаслиги ва мазкур ахборот у етказиб берилаётган худуддаги давлат томонидан назорат қилинмаслиги тушунилади.<sup>1</sup>

Равшанки, ушбу концепция Гарбнинг "демократия эркинликларини тарғиб этиб, бошқа ғоялар тарқатилишини имкон қадар чеклашни назарда тутади<sup>2</sup>. Ҳозирги кунда ҳам концепциянинг мазмун-моҳияти ўзгаришсиз колгандигини ва у ёшларимизни ҷалғитиши, уларнинг қалбига, дунёкарашига таъсир ўтказиш ниятида кент фойдаланилаётганини алоҳида таъкидлаш зарур.

Ахборот узатиш, алмашиниш ва қабул қилиш жараённida тезкорлик, аниқлик, сифат ва таъсирчанликни таъминлаш, ахборотнинг дунё бўйлаб кенг ёилиши имкониятини яратишида "бутун жаҳон ўргимчак тўри"нинг аҳамияти катта ва айнан мана шу омил ундан фойдаланиш эҳтиёжини то-бора орттироқда. Янги юз йилликлида Ўзбекистонга ҳам интернет шиддат билан кириб келди ва кундалик ҳаётда ўз ўрнига эга бўлди. 2008 йилга келиб мамлакатимизда интернетдан фойдаланувчилар сони 2 миллион 200 минг кишидан ошиб кетди. Фан-техника ютуқлари инсон манбаатлари, эзгу мақсадлар йўлида хизмат қилиши лозим, албатта. Бироқ айrim кучлар виртуал оламдан ғаразли ниятлари йўлида

<sup>1</sup> [http://ru.wikipedia.org/wiki/План\\_Даллеса](http://ru.wikipedia.org/wiki/План_Даллеса)

<sup>2</sup> Ижтимоий фикр.инсон ҳукуклари// Алишер Мўминов Ахборотлашган жамият ва шахс ахборот маданиятини шакиллантириш муаммолари. 2012 № 3 148

фойдаланётгани ҳам айни ҳақиқатдир. Психологларнинг фикрига кўра, ахолининг фақат 15-25 фоизи ахборотни танқидий нуқтаи назардан ўзлаштиришига кодир, қолган 75 фоиз одамлар эса олинган ахборотнинг таъсирига шундайлигича берилб кетади. Бунинг оқибатида оммавий ахборотнинг ҳозирги замон воситалари ва усулилари жамият бошқарувчанлигини таъминлади.

Бугунги кунга келиб дунёning мағфураний манзараси жуда мураккаблашиб кетди. Унда кучли таъсирига эга бўлишининг энг макбул йўли, ҳар қанча маблаг талаб этилишидан қатъи назар, йирик ахборот тарқатувчи мавқеини эгаллаш экани аён бўлиб қолди. Жаҳонда "ахборот уруши" кетаётганини ҳатто оддий одамлар ҳам пайкаши қийин эмас. Масалан, бирон бир хорижий мамлакатнинг турмуш тарзи, қадриялар тизимини улуғловчи рисолалар, кинофильмлар тарқатилмоқда, дейлик. Табиийки, бундай ахборотлар жамиятда маълум ижтимоий фикр шаклланishiiga таъсир этмай қолмайди.

Постиндустриал инқилоб, ахборотлашув ва глобаллашув жараёнлари, таассуфки, фақат моддий манбафт ва эҳтиёжларини қондиришига интиладиган, миллий қиёфасини қарийб йўқотган, ўз мақсади йўлида ҳар қандай ғояни кўллашга тайёр тоифаларни ҳам вужудга келтирди. Бундай салбий ҳолат мамлакатимиз ахолиси, айниksa, ёшларимизга ўз таъсирини кўrsatmай қолмайди. Ана шу таҳдидни бартараф этиш учун бор имкониятни ишга соглан ҳолда изчил курашмоқ зарур. Давлатимиз раҳбари "Юксак маънавият - енгилмас куч" асарида ёзадики, "Бугунги кунда инсон маънавиятига қарши йўналтирилган, бир қарашда арзимас туюладиган кичкина хабар ҳам ахборот оламидаги глобаллашув шиддатидан куч олиб, кўзга кўринмайдиган, лекин заарини ҳеч нарса билан қоплаб бўлмайдиган улкан зиён етказиши мумкин"<sup>1</sup>.

Демак, ҳозирда ҳар бир ахборот чегара билмаслик хусусиятига эга экан, онги ва дунёкараши эндиғина шаклланаштирилган ёш авлоднинг маънавий олами дахллизлигини асраш кўпчиликни ўйлантириши даркор. Интернетни чеклаб кўйиш ёки ахборот олишни тақиқлаш билан муаммо ҳал бўлмайди. Ҳаётни ҳам оммавий ахборот воситаларисиз тасаввур қилиш қийин бўлган ҳозирги шароитда интернет ёшлар учун асосий ахборот манбаига айланёттир.

Аммо, Фарб маданиятига таалукли баъзи кўrsatuv ва сайtlар борки, улар мутлақо ахлоққа зиддир. Бундай ахборот ёшларимиз хулқи ва дунёкарашига салбий таъсир қилиши аник. Айни ўринда яна бир фикрни айтиб ўтиш жоиз. "Ойна жаҳон" сериаллар билан тўлиб-тошгани, бизнингча, ижобий ҳол эмас. Чунки ёшлар асосий вақтини шу сериалларни кўришга сарфлаши таълим сифатига таъсир килмай қолмайди. Дарвоқе, газета ва журнал саҳифаларида чоп этилаётган ахборот ҳамда маълумотларнинг мазмунан саёзлиги ҳам ёшларимиз тафаккурига салбий таъсир кўrsatadi.

XXI аср бошида ҳаёт суръатларининг бекиёс даражада тезлашуви, ахборот оқимининг кучайиши оқибатида авторитет - нуфуз масаласи ҳам янгича маъно касб этаётти. Баъзи ёшлар ўзининг билим олиш ва ҳаётга муносабатини белгилашда отона, устоз-мураббийни эмас, ОАВ ҳамда интернетни авторитет сифатида эътироф этиши, улардаги ахборот ва маълумотларни мутлақ чин деб ишониши ташвишланарли ҳолдир.

<sup>1</sup> Ислом Каримов. Юксак маънавият - енгилмас куч. -Т., "Маънавият", 2008, 115-бет

Тажрибаси ҳам бўлмаган ёшларнинг ҳаётий тушунча ва тасаввурларини асосан ОАВ ҳамда интернет шакллантироқда. Бу эса таълим-тарбия муассасаларининг иш фаолиятини қийинлаштириб кўймокда. Ахборотнинг катта оқими шароитида инсон ўзини эркин ҳис эта олиши учун ахборот маданиятига эга бўлиши керак. Бу ўринда ахборот маданияти дейилгандан таълим, илмий билиш ва фаолиятнинг бошқа турлари давомида юзага келадигак ахборотга бўлган эҳтиёжларни қондиришга қаратилган билимлар, ўкув ва кўникмаларнинг тизимлаштирилган йиғиндиси тушунилади.

Ёлпи авлоднинг маънавий оламини бузгунчи таъсирлардан асраш учун таълим-тарбия жараённида қандай тамоилиларга асосланishi ва қандай жиҳатларга эътибор қаралиш керак, деган масала файласуфлар, гуманитар фан олимларининг диккат марказида турибди. Фикримизча, ёшларнинг тафаккур тарбиясига кўпроқ эътибор қаралиш улар маънавий оламининг дахлсизлигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга. Чунки, давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, "...қаерда юксак ақл-идрок ва тафаккур хукмрон бўлса, ўша ерда маънавият курдатли кучга айланади"<sup>14</sup>.

Ёшларнинг ахборот оқимига муносабатини шакллантириш ақл-идрок, тафаккур тарбиясинга бир йўналишидир. Ота-оналар, устоз ва мураббийлар таълим-тарбия бериш жараённида ёшларга фикр ва билим ўргасидаги фарқни тушунириши, фикрларни ўзаро таққослашга, турларга ажратишга ўргатиши лозим.

Хулоса қилиб айтганда, ахборот маданиятини шакллантириш масаласи жамият ривожи билан бевосита боғлиқ бўлганлиги сабабли у мамлакат миқёсида ижтимоий аҳамиятга молик масаладир. Шу сабабли ахборотлашган жамият шаклланиши шароитида ахборотлаштириш жараёнининг барча соҳага оид жиҳатларини ўрганиш алоҳида аҳамият касб этмоқда. Ҳозирги пайтда миллат ва давлатнинг энг муҳим ресурсларидан бири инсонларнинг ақлий салоҳияти ва билим даражаси хисобланади. Ижтимоий тараққиёт, аввал тасаввур этиб келинганидек, юкори турмуш даражасига эришган ёки замонавий техника ишлаб чиқаришни ўйлга қўйган мамлакатлар эмас, балки таълим ва тарбиянинг янада юкори даражасини таъминлашга эришган мамлакатлар тарих саҳнасининг олд қаторларига чиқаётганлигини кўрсатмокда.

### Ибн Халдуннинг жамият тараққиёти ҳақидаги қарашлари

Н.Назарова – ТТЙМИ ўқитувчisi,  
Д.Раимова - ТЮК катта ўқитувчи

Инсоният ижтимоий фикри тарихида биринчи бўлиб, инсоният жамияти ҳақидаги, унинг ривожланиши конуниятлари ҳақида ва жамиятнинг ривожланиши тенденциялари ҳақидаги фанни яратган Абу Зайд Абдураҳмон ибн Муҳаммад ибн Халдун ал Ҳадрами 1332 йил 27 майда Тунисда туғилган. Ибн Халдун тарихий-социологик қарашларининг аниқлиги ва тизимишлиги, мантикий курилиши, ҳар бир жараёнга аниқ тарихий нұктаи-назардан берилган баҳолар, ижтимоий фикрларининг ўз даврига нисбатан анча илгарилаб кетиши унинг маданий меросини ўрганишини шарт килиб кўяди ва тарихий социологик фикрни ўрганишининг долзарб муаммоларидан бири хисобланади.

<sup>1</sup> Ислом Каримов. Юксак маънавият - енгилмас куч. -Т., "Маънавият", 2008, 115-бет

7.	Мирзокулов И., Кандов Б.	<i>Глобаллашув жараённи түйрекисида замонавий ёндашувлар ижтимоий-фалсафиј таұғыл.</i> .....	65
8.	Ташанов А.	<i>Демократик жасамият құрылышининг гоявий-мағұравиј масалалари.</i> .....	70
9.	Садикова Р.И.	<i>Рождение первых философских и диалектических идей: логос и первоначало.</i> .....	73
10.	Равшанов А.С.	<i>Маданияттараро мұлоқот - глобаллашув жараёнининг мұхым шарты.</i> .....	76
11.	Алимухамедова Н.Я	<i>Глобаллашув шароитида жасамиятни ахборотлаштыриши жараёнининг ўзига хос хүсусиятлари.</i> .....	80
12.	Назарова Н., Д.Раймова	<i>Иbn Халдуннинг жасамият тарағынёті ҳақыдағы қарашалари.</i> .....	84
13.	Сулаймонов Ж.Б.	<i>Иbn Халдуннинг илмий-маънавий мероси.</i> .....	87
14.	Толипова М.М.	<i>Шарқ фалсафасида комил инсон муаммоси.</i> .....	91
15.	Шарифходжаева Н.А.	<i>Разум и экзистенция» или пограничная ситуация в философии Карла Ясперса.</i> .....	95
16.	Тулаганова М.К.	<i>Влияние античной греческой философии на формирование философских идей аль-Фараби.</i> .....	98
17.	Тошпұлатов Д.А.	<i>Глобаллашув жараёнининг Шарқда намоён бүлиши ва унга фалсафий қарашалар.</i> .....	103
18.	Хошимхонов М.	<i>Машибабнинг ижтимоий-маънавий ва дидактик қарашалари.</i> .....	105
19.	Сайдалиев Ш.	<i>Фан ва маданият тарағынётининг ўзаро мұносадаты: цивилизацион талқын.</i> .....	109
20.	Toshov X.I.	<i>Gesse ijodida o'yn omili.</i> .....	113
21.	Оріпов В..	<i>Ахборот асрида мағұравиј әжтиёжсінинг ортиши.</i> .....	116
22.	Хакимова М. Тұрдібоева М.	<i>Глобаллашув ва ёштарда миһнай ўзилкни аңгалаши.</i> .....	119
23.	Хайдарова Л.С	<i>Глобаллашув ва шахс маънавий оламиға таҳдиd солувчи омиллар.</i> .....	121
24.	Абдурахимова Д.	<i>Farb тафаккурида постиндустриал жасамият ҳақыдағы таълимотлар.</i> .....	124
25.	Рахмонова З.Н.	<i>Карл Поппернинг «очиқ жасамият» ҳақыдағы қарашалари.</i> .....	127
26.	Асатуллоев И.	<i>Экзистенциализмнинг түрк ижтимоий тафаккурга таъсирі.</i> .....	129
27.	Mamatqulova N.	<i>Buddaviyilikda "Lamaizm" ta'limoti.</i> .....	132
28.	Masixo Ibn Ibrohim.	<i>Turk ma'rifatparvarlarining pozitivistik qaraşşlari....</i>	133
29.	Xamdamov E.	<i>Ziyo Go'kalp falsafasining mohiyati va o'ziga xosligi.</i> .....	136
30.	Жумаев Р.К.	<i>Японияда мейдзи даврида маърифатпарварлық гоялары.</i> .....	137
31.	Мамасолиев М.	<i>Философские взгляды Даянанды Сарасвати.</i> .....	140